

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 264-ҳадис

264 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي فَزَارَةَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: إِنَّ امْرَأَتِي وَلَدَتْ غُلَامًا أَسْوَدَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَلْ لَكَ مِنْ إِبِلٍ؟» قَالَ: تَعَمْ، قَالَ: «فَمَا أَلْوَأْثُهَا؟» قَالَ: حُمْرٌ، قَالَ: «هَلْ فِيهَا مِنْ أَوْزُقٍ؟» قَالَ: إِنَّ فِيهَا لَوْزُقًا، قَالَ: «فَأَنَّى أَتَاهَا ذَلِكَ؟» قَالَ: عَسَى أَنْ يَكُونَ تَرَعَهُ عِرْقٌ، قَالَ: «وَهَذَا عَسَى أَنْ يَكُونَ تَرَعَهُ عِرْقٌ».

[خ 5305، م 1500، ت 2128، س 3478، د 2260، ج 2002].

Изоҳ: «Мулоъана» бир-бирини лаънатлаш дегани бўлиб, шаръий истилоҳда эр-хотин орасида бўладиган, қасамлар билан таъкидланган, эр томонидан лаънат, хотин томонидан ғазаб тилаш билан келтириладиган гувоҳликка айтилади. Эр аёлини зинода айбласа, лекин хотин буни тан олмаса, иккаласидан ҳам қасам талаб қилинади. Эр унинг зино қилганини таъкидлаб, тўрт марта Аллоҳга қасам ичади ва бешинчисида «Агар ёлғон гапираётган бўлсам, Аллоҳнинг лаънатига қолайин», дейди. Аёл буни тан олса олди, бўлмаса эрининг сўзи ёлғон эканини таъкидлаб, тўрт марта Аллоҳга қасам ичади ва бешинчисида «Агар эримнинг гапи рост бўлса, Аллоҳнинг ғазабига қолайин», дейди. Мулоъана ҳақидаги оятлар Нур сурасининг 6-9-оятларидир. Мулоъана «лиъон» ҳам дейилади.

* «Натижада у мулоъаначиларнинг суннати бўлиб қолди», дегани мулоъана қилган эр-хотиннинг ажрашиши шаръий ҳукм бўлиб қолди, демакдир.

1. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бану Фазоралик бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Аёлим қора бола туғди», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Туяларинг борми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Уларнинг ранги қанақа?»** дедилар. «Қизил», деди. **«Ичида кулранги ҳам борми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Ўша қаердан келган?»** дедилар.

«Зотига тортган бўлса керакда», деди. У зот: **«Манави ўғлинг ҳам зотига тортган бўлса керакда»**, дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можж ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI